

Ўзбекистон— келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чика бошлаган

<u>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ</u>

1 июл шанба Сотувда эркин нархда Nº 126 (2423)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг KAPOPH

Валюта бозорини янада эркинлаштириш ва валюта алмаштириш операцияларини кенгайтиришга доир чора-тадбирлар тўгрисида

Валюта бозорини эркинлаштириш, валюта алмашти риш операцияларини кенгайтириш ва миллий валютанинг ички конвертациясини боскичма боскич таъминлаш, накд хорижий валютанинг республика худудида муомалада бўлиши тўгрисидаги амалдаги қонун хужжатлари бузилишининг олдини олиш максадида Вазирлар Махкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2000 йил 1 июлдан бошлаб накд хорижий валютада етарлича ресурсларга эга бўлган 1-иловада кўрсатиб ўтилган ваколатли банкларга республика худудида ўзларининг ихтисослаштирилган алмаштириш шохобчалари оркали накд хорижий валютани эркин харид килиш ва сотиш операцияларини амалга ошириш хукуки бе-

1-иловада кўрсатиб ўтилган ваколатли банклар валюта алмаштириш операциялари микдорларини кўпайтириш ва ўзларининг алмаштириш шохобчалари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирларини курсинлар, бундай шохобчалар аэропортларда ва божхона чегараси кесиб ўтиладиган бошка жойларда, сайёхлик мажмуаларида, савдо марказларида қушимча равишда очилишини назарда тутсинлар.

2. Белгилансинки: хорижий валюта билан операциялар ўтказиш учун бош лицензияларга эга бўлган ва 1-иловада кўрсатиб ўтилмаган тижорат банклари операцияларни факат накд хорижий валютани харид килиш буйича амалга ошириш хукукига эга буладилар. Тижорат банклари томонидан сотиб олинган накд хорижий валюта хар ойда банклараро валюта бозорида 1-иловада кўрсатиб ўтил-

ган тижорат банкларига сотилиши керак; алмаштириш шохобчалари лияти те лар, тестерлар, хорижий валюталарнинг хакикийлигини аниклаш учун бошка зарур замонавий асбоб-ускуналар мавжуд бўлган такдирдагина

амалга оширилади; алмаштириш шохобчаларида хорижий валюта чекланмаган микдорда харид килинади;

алмаштириш шохобчалари томонидан сотиб олинган накд хорижий валютадан уни кейинчалик алмаштириш шохобчалари оркали сотиш учунгина фойдаланилиши

валюта алмаштириш операциялари ваколатли банклар томонидан ўз маблаглари (илгари алмаштириш шохобчалари оркали сотиб олинган маблаглар хам шу жумлага киради) ва жалб қилинган маблағлар хисобига. шу жумладан мижозларнинг валюта тушуми мажбурий сотилгандан кейин коладиган маблагларини харид қилиш хисобига, шунингден банклараро валюта бозорида харид қилинган маблағлар хисобига амалга ошири-

лади. 3. Тижорат банкларига хорижий валютани хорижий валютага бўлган талаб ва таклифдан келиб чикиб эркин курс буйича харид қилиш ва сотиш тавсия килинсин.

Алмаштириш шохобчаларида накд хорижий валютани харид килиш ва сотиш курслари ўртасидаги фаркнинг энг кўп чегараси 5 фоизгача микдорда белгилансин. 4. Белгилансинки:

ваколатли банкларнини алмаштириш шохобчаларида накд хорижий валюта Узбекистон Республикаси резидентларига паспорт курсатилган ва хорижий давлатнинг кириш визаси, авиация ёки темир йўл чипталари мавжуд булган такдирда 300 АКШ долларигача сотилади; норезидентларга сумлар

хорижий валютага улар томонидан алмаштириш шохобчасининг тасдикловчи маълумотномаси такдим этилган такдирда илгари сўмга алмаштирилган хори жий валюта микдорида алмаштирилади;

жисмоний шахслар — ре-идентлар томонидан 5000 АКШ долларига тенг микдордан ошувчи накд хорижий ва-лютани олиб чикиб кетиш Узбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсати билан амалга оширилади. 5. Алмаштириш шохобча-

си тугрисидаги низом тас-

6. Ўзбекистон Республи-каси Марказий банкига: Узбекистон Республикаси худудида алмаштириш шо-хобчаларида валюта алмашоперацияларини амалга оширишга йўл қўйиладиган хорижий валюталар рўйхатини халқаро валюта бозорларидаги конвертацияланишдан ва курсларнинг барқарорлигидан келиб чи-

киб белгилаш; бир хафта муддатда марказий аппарат тузилмасида ички валюта бозорида хорижий валютага булган талаб ва таклиф устидан мониторинг бўйича махсус ишчи гурух ташкил этиш; 15 кун мобайнида 1-ило-

вада кўрсатиб ўтилган ваколатли банкларнинг алмаштириш шохобчалари ходимларини валюта алмаштириш операцияларини амалга ошириш қоидаларини билиш юзасидан аттестациядан ўтказиш, кейинчалик уларга аттестация гувохномалари бериш;

ваколатли банкларнинг валюта ресурслари купайишига қараб нақд хорижий валютани харид килиш ва сотиш бўйича операцияларни амалга ошириш хукукига эга булган банклар тармогини кенгайтириш юзасидан таклифлар киритиш тавсия

каси ваколатли банклари: Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши. вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари иштирокида алмаштириш шохобчалари зарур даражада ишлашини улар валюталарнинг хакикийлигини аниклаш учун зарур замонавий асбоб-ускуналар, санаш-хисоблаш техникаси қўриклаш ва ёнгин сигнали зацияси, телефон алокаси билан жихозланишини, мала-

рилишини таъминласинлар: накд хорижий валюта ноконуний айланиши ва калбаки банкнотлар муомалада бўлишининг олдини олиш максадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат солик ни ўз вактида такдим кил-

кали кадрлар билан тулди-

Белгилансинки, ваколатли банкларнинг рахбарлари алмаштириш шохобчаларида операциялар тўгри ўтказилиши учун амалдаги конун хужжатларига мувофик шахсан жавоб берадилар

Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизма-Давлат солик кумитаси, Узбекистон Республикаси Прокуратураси республика худудида накд хорижий валютанинг ноконуний айлани шига бархам бериш, калбаки банкнотларни аниклаш, айбдор шахсларни амалдаги қонун хужжатларига мувофик катьий жавобгарликка тортиш чора-тадбирларини кучайтирсинлар. 9. Ўзбекистон Республи-

каси хукуматининг қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Узбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги, Давлат солик кумитаси, вазирликлар ва идоралар Адлия вазирлиги билан биргаликда бир хафта муддатда ўз норматив хужжатларини мазкур карорга мувофиклаштирсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бакарилишини назорат килиш Збекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Б.Хамидов ва збекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов зиммасига

Вазирлар Махкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шахри, 2000 йил 30 июн.

> Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 30 июндаги карорига

Алмаштириш шохобчаларида накд хорижий валютани харид килиш ва сотиш операцияларини амалга оши-риш хукукига эга булган ваколатли банклар

Ташки иктисодий фаолият миллий банки. "Узсаноаткурилишбанк".

"Узуйжойжамғармабанк".



ОКСАРОЙДА КАБУЛ

НАВБАТ - ТУМАНЛАР

МАРКАЗИГА

30 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жанубий Кореянинг "ДЭУ мотор" компанияси президенти Ким Шин Жонгни қабул қилди.

Давлатимиз рахбари мехмонни мамлакатимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон корхоналари билан "ДЭУ" корпо-

Республика "Махалла"

жамғармасида "Номарказ-

лаштириш - махаллий ўзини

ўзи бошкариш органларининг

негизи, уларнинг Узбекистон

кишлокларида ислохотларни

ривожлантиришдаги роли,

хукукий, иктисодий томонла-

ри ва оммавий ахборот во-

ситаларида ёритилиши" мав-

зуида давра сухбати бўлиб

Учрашувда бу йил шу мав-

зуда Конрад Аденауэр жам-

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов бош-

чилигидаги хукумат делегация-

рацияси ўртасидаги алокалар тобора ривожланиб бораётганидан мамнуният изхор

Ким Шин Жонг Ислом Каримовга самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, Узбекистонда "ДЭУ мотор" компанияси фаолияти учун қулай шартшароит яратиб берилгани ва хамкорлик самарали

ғармаси, "Махалла" ва "Камо-

лот" жамғармалари, Швейца-

риянинг тараккиёт ва хамкор-

лик агентлиги, Олий Мажлис-

нинг инсон хукуклари бўйича

вакили. Журналистларни кай-

та тайёрлаш халкаро марка-

зи. Германиянинг техник хам-

корлик жамияти ва бир катор

Узбекистон иктисодиётига сармоя киритиш борада "ДЭУ" хорижий шериклар орасида олдинги ўринларда бормокда. Хусусан,

"ЎзДЭУавто" қўшма корхонасининг муваффакиятли фаолият юргизаётгани хамкорлигимиз йўналишлари тўгри белгиланганидан дарак беради

ассоциация хамда хокимлик-

лар билан хамкорликда мам-

лакатимизнинг барча худудлари-

да ўтказилган семинарларнинг

Учрашувда томонлар хамкорликнинг бугунги ахволи, якин келажакда биргаликда амалга ошириладиган ишлар юзасидан фикр алмашди

СУРАТДА: қабул пайти. Рўзимат ЖУМАНИЁЗОВ олган

махаллий ўзини ўзи бошкариш сохасидаги конунларни амалга ошириш механизмларини тушунтириш, кишилар-

натижалари мухокама этилди. Таъкидланганидек, ушбу уч боскичли семинарларнинг максади кишлокнинг иктисодий тараккиётига каратилиб.

нинг хусусий тадбиркорлик борасидаги ташаббусларини фаоллаштириш, кишлокдаги ислохотларни ва уларнинг самарасига халакит берувчи салбий омилларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ролини оширишдан иборат бўлди

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Кеча Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг Бухоро ва Наманган вилоятларида бажарилиши, қўмита хузурида жамоатчилик асосидаги экспертлар гурухини тузиш тўгрисидаги ва бошка масалалар мухокама қилинди. Қўмита раиси Акмал Саидов бошқарган йигилишда юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари хисобининг ортиб бориши, аввало фукароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганидан, халкнинг демократик ислохотларга нисбатан бефарк эмаслигидан ва аксинча, кишиларимиз демократик янгиланишлар бевосита уларнинг ўзларига боглик, ўз такдирларига дахлдор эканлигини теран англаётганликлари таъкидлаб ўтилди.

Кумита томонидан ташкил этилган ишчи гурухи жорий йилнинг июн ойида Бухоро ва Наманган вилоятларида бўлиб, ушбу худудларда «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўгрисида»ги Қонун талабларининг бажарилишини якиндан ўрганди. Ушбу қонун ижроси бўйича ҳар икки вилоятларнинг адлия бошқармалари, суд, прокуратура ва солик бошкармалари томонидан амалга оширилаётган ишлар тахлил килинди. Тузилган нодавлат нотижорат ташкилотларидан айримларининг

танишиб чиқилди. Наманган вилоятида 185 та, Бухоро вилоятида эса 94 та жамоат бирлашмаси ва уларнинг бўлимлари адлия бошкармаси томонидан руйхатдан ўтказилган бўлиб, ўрганиш жараёни шуни кўрсатдики, хар иккала вилоятда мазкур конуннинг бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини мустахкамлаш ва бу борада белгиланган тартиб қоидаларга риоя қилишни йўлга қўйишда муайян ишлар амалга оширилмокда.

Шу билан бирга, иккала вилоятда хам ушбу Конунни татбик этиш борасида бир қатор камчиликлар мавжуд. Масалан, аксарият нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг низом талабларига тўла амал килмайди, баъзилари умуман фаолият курсатмайди. Шунингдек, йигилишда

жойларда мазкур Қонуннинг янада самарали ишлаши ва умуман нодавлат нотижорат ташкилотлари микдори ва микёсини бугунги ислохотлар талаблари даражасида ошириш учун мамлакат ва вилоятлар доирасида бир қатор ташкилий-хукукий ишларни амалга ошириш, тегишли қонун таргиботини кучайтириш бўйича муайян чора-тадбиртизимини ишлаб чикиш хамда амалда татбик этиш зарурлиги таъкидланди, бунда жамоатчилик асосидаги экспертлар гурухларининг роли мухимлиги **УКТИРИЛДИ**

Йигилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қил-

Ўз мухбиримиз.

«Давра сухбати»нинг асосий мавзуси бўлди

Кеча республика Миллий матбуот марказида Конрад Аденауэр фонди хамда Журналистларни кайта тайёрлаш халқаро маркази ташаббуси билан мамлакатимиздаги сиёсий партиялар вакиллари иштирокида «Парламент ислохоти — фукаролик жамияти тараққиётида мухим қадам» мавзуида давра сух-бати булиб утди.

Маълумки, мамлакатимиз рахбари Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида келгусида қонун чиқарувчи олий хокимиятни ислох қилиш, икки палатали парламентни

жорий этиш хакида таклиф киритган эди. «Давра сухбати»да иштирок этган «Адолат», «Миллий тикланиш», «Фидокорлар», Ўзбекистон Халк демократик партияси вакиллари парламентни ислох килишдан кутилаётган асосий максад, халкаро тажрибалар хакида сўз юритдилар, партия нуқтаи назари асосида таклиф ва фикр-мулохазаларини билдирди-

«Давра сухбати» жонли мулокот, бахс-мунозара, ўззини танкид рухида ўтди.

Уз мухбиримиз.

Узбекистон-Франция: ХАМКОРЛИК ДАВОМ

билан Францияда бўлди. Икки давлат ўртасидаги якин ва ўзаро манфаатли алокаларнинг асослари Узбекистон Презитонга бағишлади. денти И.Каримовнинг ушбу мамлакатта амалга оширган ташрифлари билан боглик. Ушанда икки мамлакатнинг давлатлараро муносабатларида юкори даражага эришилган эли. Айни пайтла Узбекистон Франциянинг МДХ давлатлари билан товар айланмасида учинчи ўринни эгаллайди. Делегация ўзаро иктисодий хамкорликни кенгайтириш ва мамлакатта Франция сармоясини жалб этишга багишланган "Узбекистонда сотиш ва молия киритиш" деб номлан-

ган анжуманда иштирок этди. Анжуман Франция сенати томонидан ташкил этилган бүлиб. йилига икки марта Франциянинг сиёсий ва иктисодий манлари вакилларини Узбекистонфаатлари ва катта салохиятидаги сармоя ва савдо-иктисога алохида эътибор берадиган дий фаолиятларини кенгайтиришга чакирди. мамлакатлар билан хамкорликда ушбу тадбирни ўтказади Франция сенати бу сафарги иктисодий анжуманни Ўзбекис-

Сўнгги пайтларда мат-

буотда миллий мустакил-

лик мафкурасининг турли

масалаларига бағишланган

хунук нуктаи назардир».

Хаққоний мафкуранинг энг

кучли жихатларидан бири

тажассум топган булади.

топиб олишга интиладиган

бўлсак, айтиш мумкинки

миллий мафкура - у ёки бу

халкнинг ўтмиши, хозирги

куни ва келажагига доир

билимлар, гоялар ва тасав-

вурларнинг яхлит бир ти-

зимидир. Шундан келиб

чиққан қолда, биз ўз мил-

лий истиклол мафкурамиз-

Сенат раиси жаноб Понселе анжуманни очар экан, мустакиллик йилларида Узбекистон эришган ютукларни алохида таъкидлади. Раис бозор иктисодига асосланган ислохотлар, жамиятда тинчлик ва баркарорликнинг таъминлагани Узбекистонни Франциянинг Шаркдаги ишончли хамкори эканини кайд этди. Ракамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган йили Ўзбекистонга 1,7 миллиард АҚШ доллари микдорида хорижий сармоя киритилган бўлса, шундан 18 фоизи Францияга тугри келади. Жаноб Понселе эришилган иктисодий хамкорлик даражасини юкори бахолаб, Франциянинг ишчи ва молия доира-

Хамкорлик ва маълум лойихалар истикболлари мухокамасига багишланган секциялар йи-

ЭТМОКДА хукумати вакиллари, йирик молия, сугурта ва ишлаб чикариш компанияларининг ракбарлари

фаол иштирок этишди. Иктисодий анжуманга тайёргарлик доирасида Франциянинг етакчи оммавий ахборот воситаларининг вакиллари Узбекистонга ташриф буюришган эди. Бир неча кун давомида улар иктисодий ва сиёсий ислохотлар тобора илдамлаб бораётгани, одамларнинг ўз келажакларига бўлган ишончлари ва Президент И.Каримов томонидан олиб борилаётган сиёсатни қуллаб-қувватлашларига амин булдилар.

Париж савдо-саноат палатасида бўлган учрашувда Франция тадбиркорлари ва Узбекистон делегацияси аъзолари ўртасида кичик ва ўрта бизнес кор-

расининг ўзига хос «алгорит-

млари»ни, янада аникроги,

унинг тизим хосил килувчи

омилларини алохида ажратиб

кўрсатиш зарур бўлса, айтиш

мумкинки, булар - тарих, бу-

гун ва келажакдир. Миллий,

диний, иркий мансублиги ва

бошка айрича белгиларидан

хона бошкаруви ходимларини тайёрлаш масалалари мукокама этилди. Палата раиси Узбекистон Президенти И.Каримовнинг ўрта ва кичик корхоналарни ривожлантириш ва куллаб-кувватлаш юзасидан амалга ошираёт-

ган сиёсатини палата аъзолари

юкори бахолашини таъкидлади Франция Бош вазири Лионель Жоспен Франция ва Ўзбекистон давлатлари рахбарларининг сиёсий иродаси икки мамлакат ўртасидаги хамкорликнинг ривожланиши ва мустахкамланишида алохида ўрин тутишини кайд этди. Марказий Осиё минтакасила Узбекистоннинг геосиёсий ролининг ўта мухимлигини таъкидлаб, мамлакат хукуматининг хавфсизлик сохасида олиб бораётган сиёсати ва чора-тад-

бирлари Ўзбекистон Президен-

тидадир. Яъни, миллий истик-

лол мафкураси сафарбар

этувчи, уюштирувчи омил

булишидан ташқари, унинг

ўзига хос жозибаси шундаки,

бирлаштиради, сиёсий ва

иктисодий баркарорликни таъ-

минлайди, ахолини хар хил эк-

миллатни ичдан, маънавий

ти халкаро хамжамиятни бир неча бор огохлантирган экстремизм ва халкаро терроризмнинг тарқалишига қарши ишончли тўсиқ бўлишини қайд этди. Миллий кенгаш раиси жаноб

Р.Фурни Ўзбекистон иктисодиётининг ислохотлари сиёсий сохадаги ислохотлар билан баббаробар шундай олиб борилаётганини таъкидлади. Узбекистоннинг икки палатали парламентга ўтишга интилиши дунёвий демократик давлат куришга содик эканини курсатади.

Узбекистон делегацияси аъзолари Франциянинг етакчи компания ва банклари рахбар лари билан учращдилар. КОФАС компаниясининг Узбекистонни Франция сармояларини чексиз сугурта киладиган давлатлар руйхатига киритгани тўгрисидаги қарори Франция ишбилармонлари доирасида катта кизикиш уйготди. Бу Узбекистон иктисодиётига киритилаётган сармояларнинг кафо-

балки сиёсий тизим инсондан

келиб чикади, унинг учун иш-

лайди, инсонни хамиша дик-

қат марказида тутади. Фақат

шундай сиёсий тизимгина

конуний равишда яшашга

хаклидир. Факат шундай сиё-

сий тизимгина, чиндан хам

латлангани ва химоя килинганидан далолат беради Мамлакатдаги кулай инвес-

нига далил сифатида ташриф доирасида ўзбекистонликларга маълум булган "Буиг" ва "Узбектуризм" миллий компанияси ўртасида кўшма корхона тузиш, шунингдек, Тошкент шахри, Хоразм вилояти хокимиятлари ўртасида, Хива шахрида сайёхлик мехмонхоналарини бунёд этиш бўйича битимлар имзоланганини курсатиш мумкин. Шуниси эътибор га сазоворки. Франция компанияси Тошкент марказида ўта замонавий "Шератон" мехмон хонасини қурган эди, бундан буён ҳам компания Ўзбекистон иктисодиётига маблаглар киритишини билдирди.

Узбекистон делегациясининг Францияга ташрифи мамлакат оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Франция ва Узбекистон икки шерик мамлакат ўртасида хамкорлик алокаларини хар томонлама мустахкамлаш истакларини таъкидладилар.

"Жахон" АА

Сиз кандай фикрдасиз, замондош?

нинг мазмун-мохиятини оймақолалар сезиларли дарадинлаштирадиган бўлсак, уни жада кўпайди. Бундай фа-Узбекистон халқининг ўз таоллик қувонарли, албатта. рихи, бугуни ва келажагига Сабаби, мафкуравий жарадоир карашлари ва тасаввурёнларнинг олимлар, мадаларининг яхлит тизимидир, ният, сиёсат, иктисодиёт дейиш мумкин. Масалага бунсохалари намояндалари тодай ёндашув Ўзбекистон Ресмонидан хар гал алохида публикаси Конституциясининг нуктаи назардан идрок этилаётганлиги миллий истиклол мафкурасидай кўп қирмиллий **FO**Я ВА рали тузилманинг янги-янги жилоларини кашф этишга олиб келмокда. Миллий истиклол мафкураси, унинг хаётдаги ўрни ва вазифаларини тушунишда турлича ёндашувлар мавжудлигининг ўзи мухим ходисадир. Негаки, файласуфлардан бири айтганидек, «нуқтаи

СИЁСИЙ МАФКУРАЛАР назар йўклигининг ўзи энг 12-моддасида баён этилган жамиятда фикрлар хилма-хиллиги, ранг-баранглиги тўгрисидаги қоиданинг оқилона идхам шундаки, у ракобатли тафаккур ва талкинларга имкон беради, чунки унинг магзи-мохиятида хилма-хил мақсад ва вазифалар яхлит Агар хар кандай миллий мафкурага оид турли талкин ва тахлиллар ичида ётган муштарак маънони

рок этилишига кенг йўл очади. Миллий истиклол мафкурасининг бундай талкини ижтимоий хаётдаги барча субъектларнинг эркин, демократик ривожланишини кўзда тутади, демократия эса умуминсоний кадриятларга суянади, инсон, унинг хаёти, эркинлиги, ор-номуси ва бошка дахлсиз хукуклари олий кадрият сифатида эътироф этилади Узбекистон Республикасида демократик хукук ва эркинликлар эса, Конституциямизнинг 13-моддасида белгиланганидек, мамлакат Конституцияси ва унинг қонунлари билан химоя килинади. Миллий истиклол мафкукатьий назар, Узбекистон фукароларининг бирлигини таъминловчи манба сифатида миллий истиклол мафкураси миллионлаб одамларнинг ўтмишга, бугунга ва келажакка мустакил карашлари, эътикодлари ва тасаввурларига майдон очади. Бундай мафку-

хаётий ва фаол амалий кучга эгадир, чунки у айни бир пайтда ўз табиатида миллий, умуминсоний, сафарбар этувчи ва олдинга етакловчи гояларни узвий бирлаштиради, бу гоялар - бой тарихий ўтмишдан барқарор хозирги кун ва ёруг келажак сари умумхалк интилишини ўзида ифодалайди.

Бизнинг назаримизда, миллий истиклол мафкурасининг аввалги сиёсий мафкуралардан туб фарки - унинг мохия-

стремистик, радикал ва бошка тусдаги айнитувчи таъсирлардан мухофаза этади. Президентимиз Ислом Каримов иборалари билан айтганда, мафкура инсонда иммунитет пайдо килади. Масалага сиёсий нуктаи назардан қараладиган булса, миллий истиклол мафкураси шу пайтгача хукм суриб келган сиёсий мафкуралардан битта энг мухим жихати билан алохида ажралиб туради, бу мафкура давлат, хокимиятнинг табиагига ва уларнинг вазифалари га тамомила бошкача қарайди. Узбекистондаги сиёсий тизимнинг мохиятини, охир окибатда, хар бир фукаронинг сиёсий фаолияти юзага келтиради. Ислом Абдуганиевич Каримов тинимсиз таъкидлаб келаётганларидек, фукаро

вазифаси ва истикболига бундай қараш мафкуравий жихатдан хокимият бошк арувининг табиатига фавку лодда янгича ёндошувни хам юзага келтиради, яъни хокимият аввалгидай зўравонлик кўрсатувчи, мажбур этувчи восита эмас, балки мустақил Узбекистон Республикасидаги барча асосий кучларни бош максад ва интилишлар йулида бирлаштирувчи, мамлакатда осойишталик ва фукаролар тотувлигини таъминловчи омил сифатида майдонга чи-

Аввалги мутлако сиёсийлаштирилган мафкурага нисбатан шаклланиб келаётган янги, миллий истиклол мафкураси ўз инсоний мохияти ва хаётга якинлиги, боскичмабоскич бозор муносабатларига ўтиш тамойилларига уйгунлиги билан ажралиб туради. Бу мафкуранинг асосига гояларнинг рангбаранглигини, хар бир шахснинг эхтиёжини, дунёкараши ва маънавий-ахлокий эркинликларини, шу жумладан, унинг ўз мустакил ривожланиш йўлига эга бўлиш хукуки, карашлари ва эътикодларини хукукий ва ижтимоий химоялаш механизмлари күйилган. Шахснинг мафкурадан

бегоналашуви унинг шахсий хукуки ва эркинлигининг тамойилларига зид ва мутлақо қовушмайдиган ҳолдир. Собик шўро тузуми шароитида тоталитар гоя инсонда мутеликка мойил тафаккурни тинимсиз шакллантириб келди, чунки барчага бирдай андозавий эьтикод, карашлар, шиорлар хукмрон даврда хаёт бошкача бўлиши хам мумкин эмасди хамда ўзга назария ва мафкураларга йўл йўк эди. Ундан кейин майдонга келган ижтимоий онгни мафкурасизлантириш ва сиёсатдан халос этишга қаратилган тадбирлар ғоятда оғир оқибатларга олиб келди: одамлар онгида **гоявий бўшлик, мафкуравий** парокандалик, қарашларда ўта муросасизлик, турли мафкуравий окимлар ва тизимлар ўртасида ашаддий ихтилофлар пайдо бўлди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хозирги кундаги маърифий жамиятда инсон маф куравий мухитнинг эркин яратувчиси, маънавий-ру-ҳий ҳаётнинг мустақил ижодкори даражасига кутарилмоги керак. Интеллекту ал ишлаб чикаришнинг де мократлашуви шароитида маънавий хаётда гояларкелиб, у хилма-хил инсоний эхтиёжларни кондирмокда хамда ахолининг туман гоялар, фикрлар, хиссиётлар, тасаввурлар, кечинмалар билан бойитмокда.

Агар мафкура аник бирон партияга ёки синфга боглик бўлиб колмасдан, умуммиллий мазмунга эга бўлса, у хилма-хил манфаатларни қамраб олади, таъсир кўлами кенгаяди, кучли-кудратли булади, одамлар калбига ва рухиятига табиий йўл топади. Бундай сифатларни ўзида тўлаконли мужассамлаштирган мафкура чинакамига халқчил мафкурага айланади.

Миллий истиклол мафку раси партиялардан ва синфлардан юкори турадиган ижтимоий феномен булиб,

миллий гоя ва СИЁСИЙ МАФКУРАЛАР

тган жараёнлар ва тамойиллар тарихий зарурият ва объектив эхтиёж сифатида хаёт сахнасига олиб келади. Мафкура аник инсонга, унинг шахсий онги ва рухиятига. майллари ва истак-хохишига, эътикоди ва карашларига, эъзозлаган кадриятлари ва менталитетига йўналтирилган бўлади. Мафкура инсоннинг тафаккур тарзига, рухиятига, гурухлар ва шахслараро муносабатларга, одамларнинг фалсафасига, турмуш тарзизугум ва зўравонлик билан таъсир ўтказмаслиги керак. Аксинча, мафкура жамиятда ижтимоий муносабатлардан бегоналашиб, айри холда яшайдиган инсон умуман йўклигини инобатга олиб. унинг шахсий менталитетининг мустақиллик ва суверенликнинг умуммиллий гоялари-

га хамнафаслик имкониятла-

микол ишише

Бундай бирлик ва яхлитликни янги мафкура хаёт синовларидан ўтган, илдизи мустахкам, таъсири самарали булган инсонпарварлик тамойиллари ва меъёрлари, гоялар, дунёкарашлар, концепциялар ва эътикодларни ўзига асос килиб олиш хамда илгари суриш орқалигина таъминлай

Бундай тамойиллар, табиий равишда, у ёки бу мафкуравий йўлланма ёки дунёкараш окимининг якка хокимлиги ва зўравонлигига қарши туради ва, ўз навбатида, уларнинг ўзаро тенг хукукли холда мавжудлигини эътироф этади, уларнинг илгари сураётган инсонпарварлик гоялари ва кадриятларига эса эхтиром курсатади. Шаклланиб келаётган миллий истиклол мафкурасида бирон бир дунёқараш позицияси мутлоклаш-

сий хокимиятни мустахкамлаш мақсадида у сиёсий қуролга айланмайди. Мазкур мафкура ўз мазмун ва мохиятига кўра, максадининг йўналишига асосан миллий уйгониш ва Узбекистоннинг танлаган ижтимоий-сиёсий йўли хамда ижтимоий-иктисодий ривожланишига қаратилган умумдавлат концепциясига тула мос кела-

Шу билан бирга, уни шакллантиришда жамиятдаги мафкуравий карашларнинг холати ва хилма-хиллик даражасини, ахолининг рухиятини, унинг янги гоявий қарашлар тизимини идрок этиш ва ўзлаштира олиш савиясини албатта инобатга олиш керак бўлади. Шундай қилиб, Ўзбекистон-

нинг миллий истиклол мафкураси концепциясининг ижтимоий-маънавий асосини

аввало, республикадаги

мустакил халкнинг маънавияти ва хур фикрлилигининг минтакавий-тарихий хамда миллий-анъанавий хусусиятлари;

иккинчидан ахолининг турли ижтимоий катламлари манфаатлари, маънавий- ахлокий ва гоявийдунёкараш бойликлари;

учинчидан, давлат ва миллатнинг ахоли таркибидаги бошка барча миллатлар ва этник гурухларни бирлаштириш, Узбекистон Республикасидаги ижтимоий барқарорлик, тинчлик, ундаги хар бир фукаронинг моддий ва маънавий фаровонлигини таъминлаш мақсадида унинг мустақиллигини мустахкамлашдек умумий гоя асосида халкни маънавий жихатдан жипслаштириш;

Нихоят, хар бир инсоннинг демократик ва умуминсоний тамойилларга садокати, одамларнинг ру-хий мустакиллиги ва дунёқараши эркинлиги ғояси асос килиб олинишини хаёт кун тартибига қўймоқда.

> Рустам ЖУМАЕВ. сиёсий фанлар доктори, профессор.

хим белгиларилан бири булиб, барча фукароларнинг конун олдида тенглиги Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашдир. Қонунлар эса инсон хуқуқлари тўгрисидаги халқаро хукукий меъёрларга мос булиб, давлатнинг олий органини ташкил этувчи халқ сайлаган вакиллари - депутатлар томонидан, баъзи давлат ва ижтимоий хаётнинг мухим масалаларидаги карорлар умумхалк томонидан референдум йўли билан қабул қилиниши лозим. Уни кабул килиш пайтида жахон амалиёти ишлаб чиққан хуқуқий восита ва услубларнинг барчасидан фойдаланиш хукукий демократик давлатнинг мухим белгиси хисоблана-Маълумки, Конституциямизда инсон ва

Демократия хукукий давлатнинг энг му-

унинг манфаатлари марказий ўринни эгаллагани унинг канчалик адолатли, демократик хужжат эканлигини исботлаб беради. ларнинг хукук ва эркинликларини давлат томонидан, давлат номидан химояланишини таъминлайди.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда демократиянинг асосий мезони бўлган адолат ва қонунийлик, бундан бир неча асрлар мукаддам вужудга келган ва Сохибкирон Амир Темур томонидан асос солинган кучли марказлашган Темурийлар давлатида ҳам давлатчиликнинг асосий белгиси бўлган. Хусусан, «Темур тузуклари» да Амир Темур «Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга хеч бир кимсанинг курби етмасди» деб таъкидлайди.

Шаркда, рахбар кадрлар тўгрисида фикр юритганда жуда кенг ва масъулият билан ёндашилганлигини, унинг маданий-маърифий жихатларига устуворлик билан қаралганлигининг гувохи бўламиз. Зеро, рахбарлар учун бундай фазилатларга эга бўлиш

КОНАН УСТУВОРЛИГИ ЙЎЛИДА

рахбарнинг ўз ўрни бор

комиссия MAWANCH

Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича хукумат комиссияси мажлиси бўлиб ўтди. Унда корхоналар банкротлиги ва санацияси масалала; бўйича худудий комиссиялар вакиллари, концернлар,

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Комиссия раиси Б.Хамидов

Комиссия мажлисида дижон вилояти), "Бадиий банкрот деб эълон қилинган корхоналарда ишлаб зах вилояти), "Ўзёгочкочикаришни тугатиш, са- гозсавдо" (Тошкент шахнациялаш ва корхоналарни ташқи бошқариш ахволи мухокама қилинди.

даври мобайнида хўжалик судлари томонидан тўловга лаёкатсиз 553 корхона банкрот деб эълон килинди, 438 корхонада ишлаб чикаришни тугатиш якун-

Шу билан бирга Бухоро, Навоий, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари бўйича банкрот деб эълон қилинган корхоналарда ишлаб чикаришни тугатиш йўл кўйилаётгани таъкид-

ни яхшилаш учун санация кўринишида берилаётган давлат ёрдами корхоналар томонилан асосан самарали фойдаланилмокда . Айни пайтда "Чинор" (Анкулол буюмлари" (Жиз-

ри) акциядорлик жамиятларида ички захиралардан унумли фойдаланил-Жорий йилнинг ўтган маётгани, қувватларни тўлиқ ишлатиш учун зарур бўлган буюртмалар портфели мавжуд эмаслиги туфайли санация ёрдами ва ташки бошкарув имкониятлари кутилган натижаларни берма-

> Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Худудий комиссиялар таклифига кўра куйидаги ишларида сусткашликка иктисодий ночор корхоналар - "ПМК-18", "РСУ-149" (Тошкент вилояти), Мажлисда қайд этилга- "Нажжор" (Фарғона вилонидек, молиявий ахвол- яти), "Ипак газлама" (Хоразм вилояти) акциядорлик жамиятларини банкрот деб эълон қилиш жараёнини бошлашга карор

(¥3A).

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Ахмад Лониш ва Х. Асомов кучалари туташган жойда кўприк курилиши жадаллик билан давом этмоқда. Узунлиги қарийб 1 километрга етадиган мазкур кўприк қурилишини Тошкент шахар метро қурилиши трестига карашли ТО-2 бунёдкорлари ўз зиммаларига олишган. Курувчилар С. Рахимов ва Юнусобод туманларини бир-бирига боғловчи ушбу иншоотни Мустақиллик байрами нишонланадиган кунга топшириш учун кечаю кундуз мехнат қилишяпти.

СУРАТЛАРДА: республикада хизмат кўрсатган қурувчи Баходир Турсунбоев ёшларга ўрнак бўлаётир; кўприк

Н. МУХАММАДЖОНОВ олган



"ВОДИЙ ОВОЗИ"

"Маънавият ва маърифат" маркази Фаргона вилоят бўлими, вилоят маданият ишлари бошкармаси хамда вилоят телерадиокомпанияси хамкорликда мамлакатимиз мустакиллигининг 9 йиллигига бағишлаб "Водий овози" кўрикганловини эълон

Танлов максали ўзбек халқининг миллий кадриятлари ни асраш. миллий мафкурани шакллантириш, истиклол гояларини таргиб этиш, мустакилликни мустахкамлаш,

анъанавий кушикчилик ва мусика, аския хамда миллий эстрада санъатини ривожлантириш, янги "овозлар"ни кашф этишдан иборат. Унда профессионал ва хаваскор ижрочилар ўкув муассасалари вакиллари, болалар гурухлари иштирок этиб. ўз имкониятларини синаб кўришлари мумкин. Танлов икки-боскичда ўтказилиб, голиблар пул ва кимматбахо

> Р.КАМОЛОВ, УзА мухбири

Асосий конунимизда давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фукаролар олдида масъул эканлиги хамда хар бир шахс бевосита ўзи ва бошкалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халк вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиши мумкинлиги тўгрисидаги қоидалар Ўзбекистонда адолатли фукаролик жамиятини барпо этишнинг хукукий асосларидан энг мухими хисобланади.

Олдимизда шундай давлат қуриш мақсадимиз бор экан, ҳар қандай кўринишдаги қонунсизликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Конун мукаддас тушунчага айлангандагина максадга эришиш мумкин. Чунки хукукий давлат шароитида барча фукаролар, айниқса, рахбар-ходимлар ҳар жиҳатдан саводли бўлишлари талаб этилади. Чунки хаётимизнинг турли сохаларида ислохотларни амалга оширишда, давлатнинг бош ислохотчилиги тамойилини таъминлашда олдинги ўринларда давлат хизматчилари, жумладан куйидан то юкоригача булган рахбар-ходимлар турадилар, ўз навбатида қонунларга оғишмай амал қилишда намуна бўлишдек масъулиятли вазифа уларнинг зиммасига тушади.

Давлат органларида хизмат килувчи хар бир рахбар-ходим факат ўзи эгаллаб турган лавозимига тегишли ваколат доирасида харакат қилиши зарур. Ва энг мухими, ўша харакатларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунларига мувофик олиб боришлари шарт. Шунингдек, рахбар ходим ўзининг қонунда белгиланган мажбуриятларини тўлик бажариши, ўзига берилган хукуклардан тўгри фойдаланиши, конунда кўрсатилган (хизмат бўйича) чеклашлар ва тақиқлашларга қатьий риоя қилиши ло-

Конун устуворлиги рахбар ходимларнинг давлат ва жамиятга, ўз халқига содиклиги, шунингдек ўз навбатида давлатнинг ўша рахниши керак. Яъни, давлат органидаги рахбар ходим ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида конун устуворлиги - бир томондан, давлат ва жамият олдига күйган мақсадларга эришиш йўлидаги фидойиликни таъминласа, иккинчи томондан, фукаро-

бугунги кунда зарур ва ахамиятлидир. Республикамизда сиёсий ва ижтимоий хаётнинг барча сохаларида, жумладан давлатнинг махсус функция ва вазифаларини амалга оширувчи органларида вужудга келган етук кадоларга бўлган эхтиёждан келиб чикиб. бир қатор ислохотлар ва тадбирлар амалга

Шунингдек, жамиятда хукукий маданиятни юксалтириш ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурларининг қабул қилиниши юксак маънавий ва ахлокий талабларга жавоб берувчи юкори малакали кадрларни тайёрлаш мақсадида амалга оширилган мухим ва тарихий вокеа хисобланади. Шуни алохида таъкидлаб ўтиш лозимки, бизнинг академиямиз ўзбек давлатчилиги, мамлакатимизда фукаролик жамияти қурилиши, сиёсий, иктисодий тизимларни ислох этишни кузда

Бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий сохада зарур вазифалардан бири давлат қурилиши ва бошкаруви сохасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини кучайтиришдир. Бу йўлда маълум тадбирлар амалга оширилди, лекин олдимизда кадрларни танлаш, жой-жойига қуйиш ва янгилаш тизимини такомиллаштиришдек мухим вазифа турибди. Юкорида айтиб ўтилган ислохотлар ва тадбирларнинг натижалари ҳаётда ўз аксини топиши учун кадрлар танлашнинг объектив тарзда ишлайдиган тизимини шакллантириш бу борадаги устувор вазифалардан бири бўлиб қолмокда. Ва унга эришиш йўлларидан бири

давлат хизматидаги кадрларнинг танланиши ва жой-жойига қуйилишида уларнинг лаёкати, замонавий билимларга эгалиги, изланувчанлиги, қобилиятлари ва кўрсатган хизматларига қараб аниқланадиган тизимни яратишдан иборат. Иккинчиси эса - давлат органларидаги барча хизматчилар фаолиятини жамоатчилик сўрови, оммавий ахборот воситалари ва давлат хокимияти пи устилан жамоатчилик ри орқали мунтазам назорат қилиб туриш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мирзаакбар МИРЗАЖОНОВ, **Ўзбекистон Республикаси Президенти** хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

ФИДОЙИЛИККА **УНДОВЧИ КУЧ**

Попдаги бу корхона бир пайтлар ўз махсулотлари билан кушни мамлакатларни. хатто Россия, Украина ва Болтикбуйи давлатларини хам таъминлаган. Бирок, кейинги йилларда мазкур корхона инкирозга юз тутиб, тўхтаб қолиш холатига тушиб колганди. Бир неча минг одамнинг бошини ковуштириб турган бу гигант корхонанинг аянчли ахволи нафакат вилоят рахбарлари балки мутасадди вазирлик ва республика идораларини хам жиддий ташвишга солди. Негаки, корхона тасарруфида кўпкаватли бир неча уйлар. булиб, уларда истикомат килаётганларнинг аксарияти шу ерда мехнат килади. Ишчилар шахарчасининг иссиклик таъминоти, ободончилиги, умуман, бу ерда ҳаётнинг бир маромда давом этиши кўп жихатдан мана шу корхона фаолиятига, унинг даромадига боглик эди-да. Шундай бўлгач, унинг фаолиятига бефарклик вилоят, гуман марказидан анча олис бўлган мазкур шахарчада яшаётган 10 мингга яқин ахолининг такдирига бефарклик билан баробар. Буни яхши тушунган махаллий хокимлик ва тегишли идоралар томонидан хамкорликда кўрилган чора-тадбирлар, изланишлар зое кетмади.

Бозор иктисоди синовларига дош беролмай ўтириб колган бу гигант корхонани оёкка тургазиш учун Америка очиш даражасида янгилик қилингани йўқ. Қолаверса, биров ташкаридан келиб мурувват хам кўрсатмади. Факат ички имкониятлар кидириб топилиб, ишга солинди. Уз такдирини корхона фаолияти билан боглаган фидойи инсонларнинг гайратшижоати, ташаббусига кенг йўл очиб берилди. Жамоа аьзолари онгида «ўз уйим ўз корхонам учун мен жон куйдирмасам, ким жон куйдиради», деган тушунча пай до бўлди. Кўл ковуштириб ўтираверган билан осмондан чалпак ёгилмаслигини, ташқаридан кимдир келиб ишпарини юргазиб бермасли гини, нихоят, улар тушуниб етдилар. Шундай қилиб, жамоа аъзолари онгидаги боқимандалик, лоқайдлик кайфияти ўрнини катта ишларга дахлдорлик, жонкуярлик туйгулари эгаллади, корхона жамоасининг мудрок босган шаъни, гурури уйгонди. Бунга, аввало, эски колип

дан чиколмаётган рахбарлар ўрнига гайратли, тиниб-тинчимас кадрлар келиб жамоанинг бошини ковуштиргани, уларни ўз ортидан эргаштира олгани ва одамларда келажакка умид ва ишонч туйгуларини пайдо қила олгани мухим омил бўлди. Корхона ишчилари кейинги пайтлардаги иктисодий кийинчиликларни, ай-

ги йилларда барча сохаларда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, айникса, жахон андозалари талаблари даражасидаги курилишлар кўлами кенгайгани боис бу материалларга бўлган эхтиёж бир неча баробар ортди. Хозирги замон талаби ва шароитдан келиб чикиб иш юритаётган хиссадорлик жамияти жамоаси уни ўз корхонасида ишлаб чикаришга ахд килди ва бунинг уддаси-

мукаддам цех бошлиги бўлиб

ишлаб юрган кезларимда

корхонамизда базалт толали

ўров материали ишлаб чи-

қаришга кўп уринганман.

Киргизистондан хомашё

олиб келиб махсулот ишлаб

чикаришни, кисман бўлса-да,

йўлга кўйганмиз, - дейди

жамият раиси Олимхон Мак-

судов. - Лекин ушовидан ту-

шови деганларидек, махсу-

лот жуда кимматга тушиб

кетгач, унинг бахридан ўтиш-

га тўгри келган. Лекин рес-

публикамиз учун ўта зарур

бу материални корхонамиз-

да ишлаб чикариш мен учун

орзу бўлиб колганди. Илга-

ри ихтиёр ўзимизда бўлма-

гани боис барча уринишла-

римиз бехуда кетган булса,

энди кўл-оёгимиз ечилган,

ихтиёр ўзимизда. Юртбоши-

